

Она-Ватанни боскинчилар асоратидан озод қилиш, халқни мустамлақа зулмидан қутқариш йўлидаги курашлар, бу борадаги қахрамонликлар тарих саҳифасидан, халқ хотирасидан асло ўчмайди. Соҳибқирон Амир Темур қадимий Ватанимиз Турон — Туркистонни чингизийлар империясининг бир ярим аср давом этган жабру зулмидан халос қилиш учун халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб, узок йиллар давомида мардона кураш олиб борди. Соҳибқироннинг улуг зафарлари Олтин ўрда ва Йилдирим Боязид босиб олган ўлкаларда ҳам мустамлақа зулмини тугатишга замин яратди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Пиримкул Кодировнинг Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳақида тўлақонли ва ҳаққоний тасаввур берадиган, ишончли ва нуфузли манбаларга асосланиб ёзилган, бадиий тафаккур ва илмий мушоҳада адиб маҳорати туфайли уйғунлашиб кетган “Амир Темур сиймоси” китоби адабий жамоатчиликнинг, китобхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Асар муваффақиятининг яна бир сабаби — унда ўтмишда содир бўлган оламшумул тарихий воқеалар моҳияти, бу воқеаларнинг бош қаҳрамони Амир Темур шахсияти кизикарли тарзда, пухта ўйланган бадиий композиция асосида ўзига хос жозиба билан тасвирланади.

— Амир Темур мавзуси уммондай чексиз, — дейди асар муаллифи. — Уни бир китобда тўлиқ қамраб олиш имкондан холи. Бу улкан мавзуда дадил қалам тебратаётган ижодкорлар бор. Биз амалга ошира олмаган ишларни улар рўёбга чиқарадилар, деган умиддаман. Қуйида “Амир Темур сиймоси” илмий-бадиасидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

“Темур тузуклари” асрлар давомида унинг авлодлари томонидан қандай эҳтиёткорлик билан сақлангани ва уларга қандай дастуруламал бўлиб хизмат қилганлиги, сўнги асрларда ёруғ дунё юзини кўргандан кейин ҳам қандай мураккаб йўлларни босиб ўтганлиги ўзига хос ажойиб бир тарих бўлгани учун биз бу тарихга батафсил тўхталишни лозим топдик.

Энди бевосита бу асарнинг таҳлил ва талқинига қайтайлик.

“Темур тузуклари”нинг пухта ўйланган композицияси бор. Биринчи китобда Амир Темур тарих саҳнасига чиққан пайтдан бошлаб, то Йилдирим Боязид устидан галаба қозонгунча бошдан кечирган қирк йиллик тарихий воқеаларни ихчам шаклда ҳикоя қилади. Бунда у ўзи эришган зафарларнинг ички сирларини авлодларга очиб кўрсатади. Айни вақтда бошдан кечирган саргузаштларининг магзини чақиб, улардан чиқадиган фалсафий ҳулосаларни мутафаккир сифатида умумлаштиради: “Мен ўн икки тамойилни ўзимга шиор қилиб олиб, ўн икки тоифадаги кишилар билан салтанатимни мустаҳкамладим... Бу ўн икки тоифани салтанатим фалақининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки оғзи деб ҳисобладим”.

Амир Темур фалақийёт илмини яхши билган. Осмоннинг ўн икки буржидаги Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон қаби юлдузлар осмон жисмлари орасида мувозанат сақлашда ва қуёшнинг қоинот бўйлаб ҳаракатланишининг алоҳида дақиқаси-ю, сониясигача аниқ-равшан кўрсатиб тушишда инсон зоти учун илохий бир ибрат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Амир Темур ўз кўшинларига ҳам ўн икки қавмдан чиққан сипохийларни асос қилиб олади.

“Қармоғимдаги қирк аймоқдан қуйидаги ўн иккитаси менинг хос навқарларим бўлиб хизмат қилади: барлос, тархон, аргун, жалоир, тулкичи, дўлдай, мўғул, сулдус, тўғай,

кипчок, орлот, тотар”.

Амир Темур ўзига хос образли тафаккур ёрдамида салтанатнинг тартиб-қоидаларини фалакнинг ўн икки буржидаги мувозанат ва уйғунликка муқояса қилиб яратганлиги Сохибқироннинг ҳамма масалага мутафаккир сифатида ёндашадиган ва тарихда мисли кўрилмаган янгиликларни кашф этишга қодир ижодкор бўлганидан далолат беради. Амир Темур устози Абубакр Таёбодий берган доно маслахатларнинг тўғрилигини ўз фаолиятида синаб кўрилган ёркин воқеалар тасвири орқали исбот этади.

Жумладан, 1366 йилда Карши қалъасини 243 кишилик сара жангчилар билан тунда қандай забт этгани, кейин Амир Мусо қабиларнинг бу қалъани қайтадан босиб олишга урингани, унинг ўн икки минг кишилик аскарларини қандай мағлуб этганини ва уларни 6 фарсах (30 чақирим) жойгача қандай қувиб борганини Тузукларнинг алоҳида бир бобида ажойиб маҳорат билан ҳикоя қилади. Вахш дарёси бўйида мўғул хони Илёсхўжанинг сон жихатидан тўрт баробар кўп бўлган лашқарини қандай тор-мор этгани ҳам авлодларга ибрат бўладиган даражадаги ёркин тафсилотлари билан кўрсатилади.

Бобоқалонининг тенгсиз саркардалиқ тажрибасини Бобур Мирзо “Темур тузуклари” орқали чуқур ўзлаштиради. Орадан бир юзу қирк беш йил ўтганидан кейин 1511 йилда худди шу Вахш дарёси бўйида, Пули Сангин деган жойда Бобур Мирзо ҳам Чингизхон авлодларидан бўлган Шайбонийзодаларга қарши Темурбек ишлаган ҳарбий тактика ва стратегияни амалда тадбиқ этиб катта ғалабага эришади. Бобур Мирзонинг 1526 йилда Шимолий Хиндистонда, Панипат деган жойда Иброҳим Лоди устидан эришган ғалабаси ҳам Амир Темурнинг худди шу Панипатда 1399 йилда Султон Маҳмуд ва Маллуҳонлар билан жанг қилиб, зафарга эришганига кўп жихатдан ўхшаб кетади.

Бу фактлар Амир Темур авлодларининг “Темур тузуклари”ни чиндан ҳам ўзлари учун ибрат манбаи деб билганликларини ва ундан дастуруламал сифатида самарали фойдаланганликларини кўрсатади.

Айниқса, Шохрух Мирзо Амир Темурнинг қуйидаги эътиқодига астойдил амал қилади. “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир, маслахат, қолган бир улуши қилич билан амалга ошишини англадим”, — деб ёзган эди Сохибқирон ўз асарининг “Кенгашлар ва тадбирлар” деб аталган қисмида... — Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслахатни эса қалбим қулогига қуярдим. Қайси киши ақлга сиғадиган бир ишни қуйиниб тақлиф қилса, суюниб эшитардим: Қимқи оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим... Фақат ҳар бир маслахатни яхши ўйлаб кўргач, энг тўғри ва савоблироғини танлаб олардим”.

Амир Темур ўз тажрибасида синаб кўрилган бу тамойилларнинг тўғрилигини ҳам ёркин ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб беради. Шунинг учун Шохрух Мирзо отасидан кейин парчаланиб кетган салтанатни қайта тиклашда ва уни яна қирк йилдан ортиқ муваффақият билан бошқаришда “Темур тузуклари”да атрофлича баён қилинган йўл-йўриқларга изчил амал қилади. Худди Сохибқирон васият қилганидек, Шохрух подшо ва унинг буюк ўғли Улугбек давлат ишларининг ўндан тўққизини тадбир, кенгаш, мураса-ю мадора йўли билан адо этадилар. Фақат бунинг иложи бўлмаган ўндан бир ҳолатларда кўшинни ҳам ишга солиб, жанг қиладилар ва аксарият ҳолларда ғалаба қозонадилар.

Тақдир тақозоси билан бу фоний дунёдан боқий дунёга кетиш пайти яқинлашганини сезган Сохибқирон умрининг охириги соатларида ҳам ўзини мардона тутади ва

донишмандларга хос равшан тафаккур билан якин одамларига дил ёриб васиятлар килади. Шунда севимли умр йўлдоши Сароймулкхоним, набиралари Улугбек ва Иброхим Мирзолар, содик беклари Шохмалик, шайх Нуриддинлар кўзига ёш олиб дейдилар: “жонимиз сизга садака, кошки худо бизнинг жонларимизни олиб, сизнинг жонингизни багишлагай” дейдилар. Сохибкирон дейди: “Сизларни Худога топширдим. Хазрат ҳақдин умидим борки, менга раҳмат қилгайким, золимларнинг эликларини мазлумлардин қиска қилибдурмен”.

Шу сўнги дақиқаларда ҳам Амир Темури фарзанд ва невараларига аталган қуйидаги дил сўзларини айтади:

“Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қулогингизда тутинглар... Агар менинг васиятимга амал қилиб адлу эҳсон билан оламини обод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолгусидир”.

Сирдарё бўйида Ўтрорда 1405 йилнинг 18 феврилида айтилган бу сўнги сўзлар “Темур тузуклари”да яратилган улкан ижодий кашфиётларга қўшилиб, темурийлар сулоласининг салкам беш аср ҳукм суриши учун маънавий асос бўлди. Амир Темурнинг бутун ҳаёти ва фаолиятида ижодкор шахснинг янгилик яратиш ва кашфиётлар қила олиш қудрати кўзга яққол ташланиб туради. Сохибкирон яратган янги давлатнинг фаолияти ҳам унинг кашфиёти эди. Бундай давлат тузуми ундан олдин ҳеч бир мамлакатда айнан шу тарзда фаолият кўрсатган эмас эди. Янги типдаги бу давлатнинг адолат асосига қурилганлиги, золимлардан мазлумларни ҳимоя қилгани, бунёдкорлик ва илму маърифатни ривожлантиргани, халқнинг тенг ярмини ташкил этадиган аёлларга жўмардларча муносабатда бўлганлиги Амир Темурнинг васиятларига астойдил амал қилган Шохруҳ подшоҳ, Мирзо Улугбек, Хусайн Бойқаро, Бобуршоҳ, Акбаршоҳ ва Шохжаҳонлар фаолиятида кўзга яққол ташланиб туради.

Амир Темур асос солган ва “Темур тузуклари”да ижодий кашфиёт тарзида лойиҳаси яратиб қолдирилган сулола Турон, Хуросон ва Афғонистонда бир ярим аср ҳукм суради. Беш қўл баробар эмас. Падарқуш Абдуллатиф ва Султон Абусаид каби тождорлар бу сулоланинг Туронда ва Хуросонда инкирозга учрашига сабаб бўладилар. Шунда Бобур Мирзо бобоқалонининг ижодий кашфиётларини Хиндистон заминида амалга тадбиқ этиб темурийлар сулоласини янги тарихий босқичга кўтаради. Бу улуг сулола хинд заминида Баҳодиршоҳ II давригача яна 332 йил ҳукм суради. Баҳодиршоҳ II нинг кундалиқларида ва хинд кинематографчиларининг унга багишлаб яратган беш қисмли видеофилмида Амир Темур салкам беш юз йил тарих сахнасида фаолият кўрсатган сулоланинг асосчиси сифатида ифтихор билан тилга олинади.

Амир Темур сиймосига аталган меҳр ва эҳтиром, айниқса, унинг тугилиб ўсган юрти Ўзбекистонда истиклол йилларида мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг Амир Темурга аталган чексиз меҳр ва эҳтиромини “Маънавий юксалиш сари” китобида қуйидагича ифодалаган эди: “Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Сохибкирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобоқалонимизнинг “Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин” деган доно ўғитлари доимий ширимиз бўлсин!”.

Донишманд бобоқалонимизнинг тарихий ўғитлари Ўзбекистон истиклоли даврида халқимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилаётганига бизнинг ҳар

## Авлодларга аталган буюк кашфиёт

Муаллиф:

12.04.2014 18:32 -

---

биримиз нафакат гувоҳмиз, балки бу улуг ишларга заррача бўлса ҳам хисса кўшиш орзусида меҳнат қилмоқдамиз.

Пиримкул Кодиров